



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаи
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 9 май, № 90 (5764)

Пайшанба

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ЭХТИРОМ ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ



9 май мамлакатимизда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Зотан, юртимизда ушбу сана билан тақдир бобланмаган бирорта хонадон, оилани топиш мушкул. Шу боис мазкур байрамга ҳар бир қишлоғу маҳаллаларимизда алоҳида ҳозирлик кўрилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, қолаверса, саховатпеша инсонлар томонидан кекса авлод вакилларига меҳр-мурувват ва эҳтиром кўрсатилаётти.

Зеро, инсон ҳаёти абадий эмас, лекин хотира мангу, хотира абадий. Қадр эса инсонга руҳий маъна, куч-қувват бағишлайди, ҳаётига ўзгача мазмун киритади, умрига умр қўшади.

Бу Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимизнинг барча гушаларида бўлиб ўтаётган байрам тадбир-

ларида яна бир қарра намоён бўлмоқда. Хусусан, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, бу галги тадбирларга алоҳида тайёр-гарлик кўрилди. Маҳаллий ҳокимликлар, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Му-

дофа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда қатор ташкилотлар бунга жалб этилган.

Улар ҳамкорлигида жойларда ташкил этилаётган турли учрашувлар, маърифий-

бадий кечалар, анжуманларда бугунги дориламон кунларнинг қадр, мустақиллик берган имкониятлар, кўпни кўрган отахону онахонларимизнинг Ватанимиз тараққиёти йўлида кўшган ҳиссалари алоҳида тилга олинмоқда.

— Бизни азиз билиб, ҳар жихатдан эъозлаётган Юртбошимизга раҳмат, — дейди Гулис-

тон туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Яҳё ота Шарипов. — Ҳозир 45 неварам, 83 эвара ва уч чеваранинг бобосиман. Уларнинг келажагидан кўнглим тўқ. Минг қарра шукр, қаерга бормайлик, ҳар қадамда эҳтиром, хурматдан баҳраманд бўламиз.

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизда изчил рўйбга чиқарилаётган парламент ислохотлари икки палатали Олий Мажлиснинг назорат ваколатларини амалга оширишда янги вазифаларни қўймоқда.

ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамятининг ажралмас қисми

Президентимиз 2010 йил январь ойида парламент палаталарининг қўшма мажлисида ижро ҳокимияти томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан парламент назорати ролини кучайтириш, унинг шакллари-ни такомиллаштириш, бу борада сиёсий партиялар фаолигини ошириш, давлат органлари раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиш масаласига яна бир бор эътибор қаратган эди. Албатта, тўпланган амалий тажриба асосида парламент назоратининг асосий йўналишлари, шакллари, парламент палаталарининг назорат ваколатларини амалга ошириш жараёнидаги ўзаро алоқани янада мустақиллаштириш аниқлаб олинди. Айни чоғда ҳаёт ва давр тақозоси билан ушбу жабҳани янада маромига етказишга зарурат туғилаётти.

Мазкур масала "Парламент ва жамоатчилик назорати институти"нинг янада ривожлантириш масалалари: миллий ва Европа тажрибаси" мавзусидаги халқаро давра суҳбати иштирокчиларининг муҳокама марказида бўлди. Уларнинг орасида парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, олимлар, ҳуқуқшунослар, республикамизнинг етакчи нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий экспертлар бор эди. Тадбирда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида парламент ҳамда жамоатчилик назорати ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий тартибига солиш механизмларини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамяти институтига бўлиниш шакллари билан ижтимоий шериклик асосидаги ўзаро алоқаларни масалалари кўриб чиқилди.

Давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдagi қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамяти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил

институти томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, шунингдек, К. Аденауэр номидаги фонд (ГФР) ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов очиб берди.

У йиғилганларга парламент ва жамоатчилик назорати институти тараққиётининг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳақида сўзлаб берар экан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепцияси республика барқарор тараққиёти янги босқичини миллий стратегиясига айланганини таъкидлади. Зеро, ушбу дастуриламал ҳужжатда "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш назарда тутилган. Бугунги кунда мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутахассислар, чет эллик экспертлар, кенг жамоатчилик иштирокида қизгин муҳокама этилмоқда. Уларда парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий асослари белгилаб берилиши лозим. Бу эса давлат ва фуқаролик жамяти институтига янги асосларни янада самарали иш юритиши, улар фаолиятида қонунийлик, шаффофлик ва очиқликни таъминлашга хизмат қилади.

— Мустақиллиكنинг дастлабки йигирма йилли давомида Асосий Қонунимиз базасида конституцион давлат барпо этилди, — дейди А. Саидов. — Унинг таркибий қисми ҳисобланган парламент ривожиди давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция навбатдаги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Зеро, ундаги гоаяларнинг рўйи давлат ва фуқаролик жамяти ривожиди янги йўналишларни очди.

(Давоми 2-бетда).

Миллий иқтисодий ривожиди ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг салмоқли ўрни бор. 2009 йилда ушбу тадбирга халқаро мақом берилгани ҳам бежиз эмас.

Худудий саноат ярмаркаси

Жиззахда ташкил этилган худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 130 дан зиёд йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 180 турга яқин маҳсулотлари билан қатнашди.

— Сўнгги йилларда вилоятимизда пойабзал, мебель матоси, компьютер корпуслари, эркаклар кийимлари, ипак, томпаж цемент, полипропилен кувурлар, сендвич панеллари, қурилиш бўёғи каби ўндан ортиқ янги турдаги ноозиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дейди вилоят иқтисодийёт бошқармаси бошлиғи Тоҳир Абдуназаров. — Нати-

жада маҳаллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва кўлами сезиларли даражада ошиб, вилоят макроиқтисодий кўрсаткичлари ўтган йиллардагига нисбатан юқори бўлишига эришилди. Хусусан, 2012 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 108 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 115,3 ва халқ истеъмоли моллари ҳажми эса 110,3 фоизни ташкил этди.

Икки кун давом этган саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида экспортчи ҳамкорлар билан 3,7 миллион долларлик ва маҳаллий бюрутмачилар билан 4,3 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Улуғбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Чакана савдо айланмаси ошмоқда

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда чакана савдо айланмаси ҳажми

13,1 фоизга ошди.

Аҳоли даромадларининг барқарор ошишини таъминлаш ва ички истеъмол талабини рағбатлантириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, унинг инфратузилмасини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар туфайли ана шундай юқори натижага эришилди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Нью-Йоркда жойлашган Мерси коллежиди мамлакатимизнинг замонавий тараққиётига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотиди Доимий ваколатхонаси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан БМТ Таълим ва тадқиқотлар институти ("UNITAR") ҳамда БМТ ҳузуридаги элчилар клуби билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Мерси коллежи талабалари, профессор-ўқитувчилар қатнашди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирда Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугуни, юртимизда олиб борилган ички ҳамда ташқи сиёсат билан боғлиқ баътафсил маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Хусусан, тараққиётнинг "Ўзбек модели" асосида мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида хикоя қилувчи ҳужжатли фильм тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган ижтимоий сиёсат олиб борилаётган. Шу маънода, семинарда юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳамда мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ахборотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Мерси коллежи вакиллари 2013 йилнинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусидаги халқаро конференция ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ушбу нуфузли анжумандаги нутқи билан ҳам танишдилар.

Орол денгизи билан боғлиқ экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммолар, минтақамизда экологик мувозанатни асраб-авайлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳам семинар иштирокчилари диққат-

этиборига бўлди. Тадбир меҳмонлари юртимизда энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва унинг асосида Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институти иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилиши юзасидан олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бердилар.

Тадбирдан орттирган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Мерси коллежи Глобал ҳамкорлик маркази директори Ш. Герш бундай тадбирлар талабаларга нафақат у ёки бу мамлакат ҳақида кенг-

роқ маълумотларга эга бўлиш, балки унинг турли халқаро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишдаги тажрибаси билан ҳам яқиндан танишиш имконини беришини кайд этди.

— Коллежимиз БМТ ҳузуридаги дипломатия корпуси вакиллари иштирокида семинарлар ўтказиш бўйича кўп йиллик тажрибага эга, — деди у, жумладан. — Аммо Ўзбекистонга бағишланган бугунги тадбир биз учун алоҳида аҳамият касб этди. Зеро, бўлиб ўтган семинар орқали биз мамлакатингиз ҳақида кўплаб янги ва қизиқarli ахборотларга эга бўлдик. Айниқса, таълим ва ёш авлод тарбияси борасида ҳаётга татбиқ қилинаётган ислохотлар тахсинга сазовордир. Масалан, Ўзбекистон мактабларида бошланғич синфлардан бошлаб инглиз тилининг ўқитилиши юртимизда халқаро талабларга жавоб берадиган мактаб таълими дастурини ишлаб чиқишга нисбатан комплекс ёндашув мавжудлигидан далолат беради.

«Жаҳон» АА.
Нью-Йорк

Фаровон турмуш асоси

Аҳолини иш билан таъминлаш, шу орқали уларнинг даромадларини ошириш ва турмуш даражасини юксалтириш мамлакат иқтисодийёти равнақини белгиловчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис юртимизда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, узоқ йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида белгилаб олинган. Бинобарин, аҳоли турмуши қанчалик яхшиланса, давлат иқтисодийёти ҳам шунчалик ривожланиб бораверади.

БАНДЛИК

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида республика-мизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоизга ошгани, аҳоли даромадлари барқарор-

лигини таъминлаш ва ички истеъмол талабини рағбатлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар чакана савдо айланмаси ҳажмини 13,1 фоиз ва

хизматлар кўрсатишни 9 фоизга оширишга кўмаклашгани бунга мисол бўла олади. Таъкидлаш керакки, бундай натижаларга эришишда ҳаёт-

га татбиқ этилаётган дастурлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури шулар жумласидан бўлиб, унинг изчил ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда тегишли вазирлик ва идораларнинг шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари билан иш жойларининг мониторингини юри-

тиш, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, биринчи навбатда, ёшлар бандлигини ҳал этиш мақсадида ҳамкорлик йўлга қўйилгани айни муддао бўлмоқда. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз бўйича 250,4 мингта янги иш ўрни яратилди. Шунинг 60 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келгани, айниқса, қувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

ЭҲТИРОМ ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Туриш-турмушимиз, оиламизнинг аҳволи, саломатлигимиз ҳамисида эътиборда. Аёнана мувофиқ, бу йил ҳам Президентимиз Фармонига мувофиқ пул мукофотларини олдик. Қолаверса, ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонларнинг йўқловларини айтмайсизми?! Очиги, бу каби эҳтиромдан яшариб кетгандай бўлди. Қўнглимиз янада кўтарилди. Қайсидир мамлакатларда уруш, тўс-тўполон бўлаётганини эшитсам, Аллоҳдан юртимизни балоқазолардан сақлашини, тинчлик-осойишталигимиз барқарор, деҳқончилигимиз кут-баракали бўлишини тиламан. Биз кўрган урушни болаларимиз, невараларимиз кўрмасин, дейман. Чунки тинчликдан улуг неъмат йўқ. Бугун юртимизда истиқомат қилаётган барча уруш



ва меҳнат фахрийлари дилда худди шундай миннатдорлик туйғуларини, шукрона сўзларини, эзгу ният ва тилакларни уриб турибди. Байрам олди-

дан жойларда маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли идоралар томонидан ногирон, эҳтиёжманд уруш қатнашчиларига алоҳида эътибор кўрсати-

тиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар режаси изчил амалга оширилаётган. Бинобарин, мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, нуруний отахон ва онахонларимизни ҳар қанча эъзозласак, шунча кам. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, биз ана шу юртдошларимиз олдида умрбод қарздормиз. Уларнинг умрини қўлимиздан келганча, баҳоли қудрат узайтиришга, мазмунли қилишга, бунинг учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилишимиз лозим. Зеро, «Савоб ишни ҳар қим, ҳар кун қилиши керак»лиги барчамиз учун нафақат масъулият, балки маънавиятимизнинг амалий ва ёрқин ифодасидир.

Шумура ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ,
Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар.

Нурунийлар қадрланган ва эъзозланган юрtdа кут-баракда, фаровонлик бўлади. Айниқса, Хотира ва қадрлаш куни арафасида кекса ёшдаги отахону онахонларга, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига моддий ҳамда маънавий қўмақлашни уларга куч-қувват, ишонч бағишлайди.

ФАҲРИЙЛАРНИНГ БАЙРАМ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Давлат музейида фахрийлар шарафига уюштирилган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятдан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Қ. Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ шоири Иқбол Мирзаалиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳамюртларимизни хотирлаш, жангларда қатнашганларни, фронт ортида меҳнат қилган ва бугунги кунда умргузаронлик қилаётган ҳамюртларимизни эъзозлаш ҳаёtimизда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бунинг яна бир тасдиғидир.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Давлат музейи экспозициялари билан танишдилар. Улар учун байрам дастурхони ёзилиб, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли, таниқли маданият ва санъат намояндалари иштирокида концерт намойиши этилди. Фахрийларга кўрсатган қаҳрамонликларини, мамлакатимизда ёш авлоднинг тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссалари учун миннатдорлик билдирилди, эсдалик совғалари топширилди.

Сердор ТОЖИЕВ,
ЎзА муҳбири.

Саховат, мурувват мезони

Саховат, мурувват, оқибат улугланган, инсон қадрли шарафланган юртда яшаймиш. Айниқса, нурунийларни эъзозлаш, уларнинг саломатликларини асраш борасида олиб борилаётган эзгу савб-ҳаракатлар барчамизни бирдек қувонтирмақда.

Хусусан, Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган, турмуш заҳматларини чеккан, шу кунларда эса меҳру мурувват огушида яшаётган отахону онахонларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлганидек, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносибати билан «Нуруний» жамғармаси Фарғона вилояти бўлими томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, фахрийларнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан иборат «Ғамхўрлик гуруҳлари» тuzилган. Шунингдек, уларга ҳомийлар ва тиббиёт ходимлари шахсан бириктирилган. Обод турмуш йили-

да фахрийларимизга шодлик улашиб, уларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш, бошқача айтганда, ёши улуг кишиларга муносиб эҳтиром кўрсатиш учун жамоатчилик томонидан барча имкониятлар ишга солинмоқда. Шу кунларда эса вилоятдаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда ҳарбий қисмларда уруш қатнашчилари иштирокида «Уч авлод» учрашувлари ўтказилмоқда. Кунни кеча Марғилон шаҳар коллежларида ташкил этилган «Ғамхўрлик гуруҳи» аъзолари Зокиржон ота Гофуров, Эргаш ота Юсупов хонадонидан

Топиволди ХОЛДОРОВ,
Республика «Нуруний» жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси.

Зеро, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик деганларидек, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик уларнинг дуолари, эзгу ниятлари тимсолида дориланом ҳаётимизга янада файз киритиши мукаррар.

Фаровон турмуш асоси

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Бошқача айтганда, иш ўринларининг 13,2 мингтаси янги корхоналарни ташкил қилиш, мавжуд ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ҳисобига яратилди. Бундан ташқари, иқтисодий ноҳор ва фаолияти тўхтаб қолган корхоналарнинг қайта тикланиши эса 3,4 минг нафар кишининг фойдаланиш учун имконият яратди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва уларни ўзига хос меҳнат турларига жалб этиш, даромад манбаларини шакллантиришда давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ва қарорларига мувофиқ, қўлланилаётган гунаҳлик ва имтиёзлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик санаот корхоналари билан касана-чиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб

чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган берилган ва-зифалар ҳам иш берувчи, ҳам ишловчиларнинг айнаи дилидаги гап бўлди. Сабаби, мазкур муҳим ҳўжатлар аҳолининг катта қисми истиқомат қилаётган қишлоқ одамларини иш билан таъминлаш ва даромад топишининг қўшимча манбаига асос солди. Айтайлик, касаначилик хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёллар ва бошқа кўмакка муҳтож шахсларни ишлаб чиқаришга жалб этишда қўл келаётган бўлса, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қўрамоқ боқилиши кўпайтириш эса ёшларни иш билан таъминлашда муҳим омили бўлаётган. Шу йилнинг

январь — март ойларида 156,8 минг кишининг кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ишга жойлашгани, айнаи пайтда мазкур тармок иқтисодий таъминнинг етакчи соҳасига айланиб, яппи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий куч сифатида шаклланиши ислохотлар кутилган самара бераётганидан яна бир далолатдир.

Албатта, рағбат ва имконият бор жойда ўсиш бўлиши, табиий. Айнаи пайтда мамлакатимиз меҳнат бозорига амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам шундай эзгу мақсад мужассам. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: 2013 йилнинг дастлабки уч ойи давомида аҳоли бандлиги 2,5 фоизга ўсиб, иш ҳақи 18,4 фоиз, ўртача пенсия миқдори 27,7 фоизга кўпайди. Умуман олганда, аҳолининг жами даромади ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,6 фоизга ортгани диққатга сазовордир.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар қўлами ҳам тобора яхшиланмоқда. Жумладан, туман ва шаҳарлардаги Бандликка кўмаклашиш марказлари мурожаат этган 96,1 минг нафар фуқаронинг ишга жойлашишига ёрдам берилгани бунинг тасдиғидир.

Биламизки, кейинги йилларда таълим ва амалиёт уйғунлигига эришишни таъминлаш муҳим вазифага айланди. Бу нафақат касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг пухта билим олишлари, балки ишлаб чиқариш корхоналарида

тажрибали мутахассисларга етказиб беришда қўл келмоқда. Ушбу омил «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам тўла-тўқис ўз аксини топган. Яъни дастурда белгиланганидек, тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, шунингдек, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаш учун 62,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Умуман, йил бошидан бўён Давлат дастурини амалга оширишга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1,3 триллион сўмдан ортик маблағ йўналтирилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари жорий йилда ҳам изчил давом этилмоқда. Зеро, аҳоли бандлигини таъминлаш ишлаб чиқариш салоҳиятини орттиришга, пировардида мамлакатимиз иқтисодий таъминини янада юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Зокир ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирилик Бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Бугунги кунда Ўзбекистон парламенти дунёнинг кўпаллиқ давлатларидаги вакиллик органлари каби қўнчилиқ ва назорат функцияларини амалга ошириб келяпти. Сиёсий партияларнинг роли ва аҳамияти, партиялар ва фракцияларaro курашни ривожлантириш йўлида қилинган тўз ўзгаришлар бу борада янги уфқларга асос солди. Чунки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам тингланмоқда. Айнаи чоғда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги назорат Омбудсман институти орқали амалга оширилаётган, Давлат бюджети ижроси Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси билан ҳамкорликда назорат қилинмоқда. Сўнгги янгилашларга мос равишда, Конституцияга Бош вазирилик парламент олдидаги ҳисобдор-

рибди. Қўнун лойиҳасида инсон ҳуқуқларида доир қўнчилиқ нормалари бажарилиши соҳасида жамоатчилик мониторинглари, аниқ масала доирасида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолияти бўйича социологик тадқиқотлар ва жамоатчилик ошитувларини мунтазам ўтказиш, шунингдек, қўнунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳўжатларнинг жамоатчилик экспертизаси, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти институтиларининг иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш тақлиф этилмоқда.

Тадбирда аҳоли қатламларининг эҳтиёжларини аниқлаш, олиб беришга таҳлил аюқларининг бўйича қабул қилинган қарор ҳамда унинг қатъий ижроси устидан назорат олиб бориш вазифасида улари қондиришга таъсир кўрсатиш мақ-

ли хоним «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қўнуннинг дунёда ўхшаши йўқ эканлигини таъкидлади.

— Ишончинг комилки, ушбу қўнун жуда фойдалидир, — деди у. — Кенг жамоатчилик муҳофазаси, хорик ва халқро ҳуқуқий ўрганиш, тақлиф ва тавсиялар киритиш натижасида қўнун лойиҳаси анча тақомиллашди. Унда жамоатчилик назорати объекти, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари сўровларига жавоб бериш тартиби ва бошқа устун жиҳатлар аниқ белгиланган.

Франция Кенгашининг Иқтисодий, Ижтимоий ва Экологик Мақамаси Директори Кристан ле Ру ҳам жамоатчилик назорати ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди. Жамоатчилик назоратининг вазифаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви

ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми

лик тартиби, унга ишонсизлик вотуми эълон қилиш имкониятига оид ўзгаришлар киритилди.

Хозирги даврда турли мамлакатлар парламенти томонидан давлат ҳокимияти органларига сўровлар юбориш, ин-терпелляцияни амалга ошириш, ҳуқуқатта ишонсизлик вотуми билдириш ва танбех резолюцияси киритиш, ҳуқуқат фаолияти ҳақида маърузалар ва ҳисоботлар тинглаш, парламент ошитуви, парламент текшируви, парламент омбудс-ман фаолияти ва бошқа органлар, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирок этиш, Давлат бюджети устидан молиявий назорат, халқро ҳўжатларни ратификациялаш ва денонсация қилиш ва бошқа усуллардан фойдаланиб келинаётган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суду Раиси ўринбосари Б. Мирбосиров ижро ҳокимияти органлари устидан парламент назорати оид ҳуқуқий асосларни тақомиллаштириш концепцияси ҳақида фикр билдириди. У, жумладан, мамлакатимиз Олий Мажлиси палаталарининг назорат ваколатларини амалга оширишининг қўнунчилик асослари, улар умумийроф этилган шаки ва усулларга тўғри қилишга тўхталиб ўтди. Ушбу таҳлил шунини кўрсатмоқдаки, бугунги кунда мамлакатимизда парламент назоратини амалга ошириш таомиллари, субъектларининг аниқ ваколатлари, уларнинг функциялари, давлат назоратининг бошқа субъектлари билан ўзаро алоқаларини етарли даражада тартибга солишни ахлит норматив-ҳуқуқий ҳўжат мавжуд эмас.

садида депутатлар турли жамоатчилик ташкилотлари билан янада яқин ҳамкорлик қилишлари, тадқиқот марказлари, ОАВ ва ННТлар томонидан тақдим этилган муқобил ахборотлардан фойдаланиш лозимлигига уру берилиши. Шундай қилиб, парламент назорати жамоатчилик назоратининг ман-тикий давоми бўлиб, бунинг натижалари эса парламентнинг назорат функциялари ижроси учун асос бўлади.

Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова инсон ҳуқуқлари соҳасида парламент назоратининг ҳуқуқий ва ташкилий пойдевори ҳақида сўзлаб берди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А. Аҳмедов маърузасида эса фуқаролик жамиятининг ноёб институти — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мавзуси ёритилди. Унда яқинда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қўнун янги таҳрирда қўнга киргани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, ушбу ҳуқуқий ҳўжатда қўнунлар ва бошқа ҳўжатларнинг тегишли ҳудудларда ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғинлари ваколатлари белгиланган берилди. Бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига сўров билан мурожаат қилиш нормалари мустаҳкамлаб қўйилгани демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда алоҳида ўрин тутди.

— Парламент ва жамоатчи-лик назорати тизимини тақомиллаштириш мавзуси нафақат Ўзбекистон, балки кўпал давлатлар учун долзарбдир, — деди **ЕХТҲнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Дьердь Сабо**. — Бу масала бугунги кунда жуда кўчи экспертлар гуруҳи томонидан муҳофазат қилинапти. Ўзбекистонда янада демократлаштириш, жамиятда фуқаролик элементини кучайтиришга қаратилган ислохотлар амалга ошириллапти. Бу каби эзгу амалларда Европа давлатларининг кўп асрлик тажрибаси мамлакатимизга ҳам фойдала бўлади, деб умид қиламан. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасига бўлган қизиқиш ҳам жуда юқори.

Хоржилик иштирокчиларнинг маърузалари муҳофазалари янада жонланганди. Масалан, **Франция Сенати аъзоси Натали Гуле** ўз мамлакатидан парламент назоратини амалга оширишининг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтди. У Францияда 2008 йилда амалга оширилган конституциявий ислохотлардан сўнг парламентнинг назорат функцияларини амалга ошириш борасида ваколатлари сезиларли кенгайтирилганини таъкидлади. Сенат тузилмасида доимий комиссиялар, уларнинг таркибида текширув ишларини олиб борувчи махсус комиссиялар фаолият юрғутади.

— Тошкентда меҳмон бўлиш ва ушбу давра субхатида иштирок этишдан сўнг бундан ташқари Францияда ҳамма сафаримизга, албатта, айтиб бераман.

Европадаги парламент ва жамоатчилик назорати ривожланган тенденциялар ҳақида **Халқаро нотижорат ҳуқуқи вице-президенти Наталья Боржелли** муфассал маълумот берди. Тақдим этилган қўнун лойиҳаларининг ҳар бир моддасига ушбу ташкилотнинг экспертлари томонидан шарҳлар тайёрлангани алоҳида қайд этиш жоиз. Боржел-

ли хоним «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қўнуннинг дунёда ўхшаши йўқ эканлигини таъкидлади.

— Ишончинг комилки, ушбу қўнун жуда фойдалидир, — деди у. — Кенг жамоатчилик муҳофазаси, хорик ва халқро ҳуқуқий ўрганиш, тақлиф ва тавсиялар киритиш натижасида қўнун лойиҳаси анча тақомиллашди. Унда жамоатчилик назорати объекти, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари сўровларига жавоб бериш тартиби ва бошқа устун жиҳатлар аниқ белгиланган.

— Биз мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар билан яқиндан танишдик, — деди **Венгрия Конституциявий Суду Котибати раҳбари Диана Мечи**. — Шўбҳасиз, жамоатчилик ва парламент назорати асослари ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши изчил тараққийта хизмат қилади. Бунда, албатта, қабул қилинган қўнунларнинг самардорлиги муҳим аҳамиятга эга. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ўз фаолиятлари ҳақида жамоатчилик ахборот тақдим этиш зарурилигини англаб этишлари керак. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларидан хабардорлигини ошириш ҳам ўта долзарбдир.

— Германияда парламент фаолиятининг муҳим шартларидан бири ҳокимиятлар бўлинишидир, — деди **Германия Бундестаги аъзоси Йоахим Пфайффер**. — Депутатлар ўз фаолиятларида юқори даражада муносабат бўлиб, кенг ваколатлар доирасидан фойдаланишади. Парламент назоратининг шакли ва усуллари Конституцияда ҳамда Бундестаг регламентидан мустаҳкамлаб қўйилган. Биз парламент назорати бўйича катта тажрибага эгамиз ва уни мунтазам тақомиллаштириб бораётишимиз. Ва албатта, бу борада Ўзбекистон парламенти тажрибасини ўрганиш биз учун жуда қизиқ. Парламент назоратининг бошқа давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштирилаётгани Ўзбекистон демократиясининг бош тамойилларига содиқ эканлигини намоян этиди.

Шунини алоҳида қайд этиш керакки, асарият маърузачилар давлат ва жамият қурлиши соҳасидаги ҳуқуқий экспертиларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ўтказилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси синовиёва бағишланган on-line конференцияда ҳам иштирок этишди. Улар ҳуқуқий экспертиларнинг ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат ва кўчи фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги қатъий иштирокини алоҳида қайд этиб ўтишди.

